

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Навоийуран” ДК
Кузатув кенгашининг
2022 йил “22” 04 даги
йиғилиш баёнига асосан

**“НАВОИЙУРАН”ДК
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА
ЭТИКА ҚҮМИТАСИ ТҮҒРИСИДА НИЗОМ**

Навоий шаҳар -2022 йил

1-боб. Умумий қоидалар

1. “Навоийурган” давлат корхонаси (кейинги ўринларда – Корхона) Кузатув кенгаши ҳузуридаги “Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Корхона Уставига ва бошқа норматив-хукукий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Корхона Кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитасининг (кейинги ўринларларда – Этика қўмитаси) хукукий мақомини, таркибини, ваколатларини ва унинг ишлаш тартибини белгилайди.

2. Этика қўмитаси вакоти доирасидги масалаларни кўриб чиқиш ва Корхонанинг Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун Корхона Кузатув кенгашининг карори асосида ташкил этилади.

3. Этика қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Корхонанинг таъсис ҳужжатлари, Корхонанинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

2-боб. Этика қўмитасининг таркиби

4. Этика қўмитаси факат Корхона Кузатув кенгашининг аъзоларидан 3 кишидан иборат таркибда ташкил этилади.

5. Этика қўмитасининг аъзолари Корхона Кузатув кенгаши раисининг тавсияси асосида Кузатув кенгаши аъзоларидан уларнинг ваколат муддати даврига кўпчилик овоз билан сайланади. Этика қўмитасининг раиси Этика қўмитаси аъзолари орасидан Корхона Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Этика қўмитасининг раиси Корхона Кузатув кенгашининг раиси бўлмаслиги лозим.

6. Этика қўмитасининг таркибига сайланган Кузатув кенгаши аъзолари чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

7. Этика қўмитаси аъзолари ўртасидаги функциялар тақсимланиши Этика қўмитасининг раиси томонидан амалга оширилади.

8. Корхонанинг Комплеанс хизмати ўз фаолиятида Этика қўмитасига ҳисобдордир.

3-боб. Этика қўмитасининг мақсади ва асосий вазифалари

9. Этика қўмитаси Корхонада коррупцияга қарши курашиш тизимини ташкил этилиши, одоб-ахлоқ ва этика қоидаларини жорий этилганлиги

устидан назорат ўрнатилиши учун тузилган.

10. Этика қўмитасининг асосий вазифалари:

а) умумий вазифалар:

Корхона таркибий бўлинмаларининг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга оид фаолиятини мувофиқлаштириш;

Корхонанинг тижорат сирини ташкил қилувчи маълумотлар доирасини аниклашда, тижорат сирига риоя қилинишини назорат қилишда, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Корхона таркибий бўлинмалари ўртасида хизматга доир маълумот алмашинувига чекловлар қўйиш қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Корхонанинг назорат органлари ва маҳсус ваколатли орган билан коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш соҳасидаги ҳамкорлигида ўз ваколати доирасида иштирок этиш;

ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан Кузатув кенгаш мажлисларига маълумотлар тайёрлаш ва унга ҳисботлар тақдим этиш;

Корхонада комлеанс хизматини ташкил этиш, унинг раҳбари ва ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масаласини кўриб чиқиш, бу ҳақда Кузатув кенгашига таклифлар киритиш;

комлеанс хизматининг чораклик ҳисботларини ўрганиб чиқиш ва Кузатув кенгашига тақдим этиш;

даврий равища (йилда камида бир марта) Корхона комлеанс хизматининг ҳар бир ходимини унинг ахборотни танлаш, текширув ўтказиш ва хулосаларни тайёрлаш салоҳиятидан келиб чиқиб касбий маҳорат даражасини баҳолаб бориш;

ўз фаолияти тўғрисида ҳисбот тайёрлаш;

Кузатув кенгаши томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.

б) молиявий комплаенс соҳасидаги вазифалар:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни амалга оширишда иштирок этиш;

Корхона томонидан давлат харидлари тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя қилинишини мониторинг қилиш;

молия бозорларидағи ноинсоф хатти-харакатларга (инсайд, манипуляция ва бошқалар) қарши курашиш;

в) хукукий комплаенс соҳасидаги вазифалар:

“Коррупцияга қарши курашиш түғрисида”ги Қонуннинг бузилиши муносабати билан ички текширувларни ўтказишида иштирок этиш;

Корхонанинг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича норматив базасини (ички қоидалар, тартиб-таомиллар ва регламентлар)ни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришида иштирок этиш;

хуқуқий ва бошқа нормаларнинг бажарилиши устидан ички назоратни, шунингдек Корхона харажатлари устидан назоратни амалга оширишида иштирок этиш;

Корхона ходимларининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини ошириш, уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришида иштирок этиш;

Хизмат қонун хужжатлари билан юклangan бошқа вазифаларни хам амалга оширади.

г) этика соҳасидаги вазифалар:

ходимларни бир-бири билан, контрагент, ишбилармон шериклар, давлат идора ва амалдорлари билан ҳалол ва адолатли ўзаро алоқаларини таъминланишини назорат қилиш;

ходимлар ўзларининг расмий вазифаларини бажаришда риоя қилишлари керак бўлган касбий ва ахлоқий меъёрларни аниқлаш, шунингдек, тегишли корпоратив маданиятни шакллантириши мувофиқлаштириш;

ишончли контрагент ва юқори ижтимоий жавобгарликка эга Жамият сифатида, Жамиятнинг ишбилармонлик обрўсини мустаҳкамлаш юзасидан Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш;

- хукуқбузарликлар ва низоли вазиятларнинг олдини олиш.

4-боб. Этика қўмитаси мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

11. Этика қўмитасининг мажлиси Этика қўмитасининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Этика қўмитасининг аъзоларининг талабига кўра, шунингдек, Корхона комплеанс хизмати раҳбарининг ёзма талабига кўра чақирилади.

12. Этика қўмитаси ҳар чорак якунига кўра, зарур бўлганда ҳар ойда, қўмита аъзоларининг шахсан иштирокида ёки бошқа алоқа тармоқларидан фойдаланиш йўли билан ўз мажлисларини ўтказиб туриши лозим. Этика қўмитаси Корхонанинг ижроия органи ва бошқа шахсларни қўмита мажлисларига катнашиш учун таклиф қилиши, шунингдек зарур бўлганда улардан ахборот талаб қилиши мумкин.

13. Этика қўмитаси аъзолари муайян масаланинг кечиктирилмай ҳал этилишини талаб қиласиган қоидабузилишлар аниқланган тақдирда қўмитанинг шошилинч мажлисини чақирилишини талаб қилишлари мумкин.

14. Этика қўмитаси ўз мажлисларини Корхона Кузатув кенгаши мажлисларидан олдин ўтказади.

15. Этика қўмитасининг раиси қўмита мажлисидаги барча иштирокчиларга уни лозим даражада ўтказишга тайёргарлик кўриш ва унда олиб чиқилган масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш имкониятларини яратади. Этика қўмитасининг аъзолари қўмита мажлисларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уларда иштирок этиш учун етарли даражада вақт ажратишлари лозим.

16. Этика қўмитаси мажлисида унинг аъзоларининг энг камида 2/3 қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади, бунда қўмита раиси иштирок этиши шарт.

17. Этика қўмитасининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

18. Этика қўмитасининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Этика қўмитасининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар teng келган тақдирда, қўмита раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Этика қўмитасининг қарорига розилик билдирамаган қўмита аъзоси ўзининг мажбурий тартибда мажлис баённомасига илова қилинадиган алоҳида фикрини қайд этиб қўйиш ва уни Кузатув кенгаши эътиборига ҳавола қилиш хуқуқига эга.

19. Этика қўмитасининг қарори Этика қўмитаси мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Ушбу баённома қўмита котиби томонидан юритилади ва овоз беришда иштирок этган қўмита аъзолари томонидан имзоланади.

20. Этика қўмитаси мажлисларига котиблик қилиш вазифасини Корхона комплаенс хизматининг раҳбари бажаради.

21. Этика қўмитасининг раиси:

Этика қўмитасининг ишини ташкил этади;

Этика қўмитаси мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласиди;

Этика қўмитаси мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади;

Корхона ички меъёрий ҳужжатлари ва мазкур Низомда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

22. Этика қўмитасининг котиби:

Этика қўмитаси мажлислари баённомаларини юритади ва

расмийлаштиради;

Этика қўмитаси томонидан кўриб чиқилиши учун кун тартибидаги масалалар бўйича материалларни тайёрлайди ва тақдим қиласди;

Этика қўмитасининг қарорларини, хulosаларини ва баённомаларини олувчиларгача етказади.

23. Корхона комплаенс хизмати раҳбари, унинг ходимлари Этика қўмитасининг мажлисларида овоз бериш хуқуқисиз иштирок этишлари мумкин.

5-боб. Этика қўмитаси аъзоларининг хуқуқ ва мажбуриятлари

24. Аудит қўмитаси аъзоси қуйидаги хуқукларга эга:

Корхона ижро органи аъзоларининг ва Корхонанинг бошқа мансабдор шахсларидан ўз фаолияти учун керакли барча хужжатларни ва материалларни тақдим этишни талаб қилиш;

Комплеанс хизматидан хужжатларни ва материалларни сўраб олиш ва улардан фойдаланиш;

агар Корхонага жиддий моддий зарап етказилишига олиб келган ёки етказилишига олиб келиши мумкин бўлган қоидабузилишлар аниқланса, ижроия органи мажлиси чақирилишини талаб қилиш;

Корхонанинг таркибий бўлинмалари ходимлари, шу жумладан раҳбарларидан кўриб чиқилаётган масалалар бўйича изоҳлар талаб қилиш;

айбдор ходимларни интизомий, мулкий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш масалаларини раҳбариятига кўриб чиқиш учун тақдим қилиш;

Корхонанинг дастлабки бухгалтерия, молия ва бошқа хужжатларидан фойдаланиш;

тақдим этилган хужжатлар асосида тегишли хulosа ва таклифлар ишлаб чиқиш ва Корхона Кузатув кенгashi мухокамасига киритиш.

Этика қўмитаси мажлисида мухокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш, кун тартибидаги масалалар, қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини Этика қўмитаси мажлиси баённомасига киритишни талаб қилиш;

Этика қўмитаси мажлиси кун тартибига киритиш учун масалалар таклиф қилиш.

25. Этика қўмитасининг мажбуриятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Комлеанс хизмати ходимларини тайинлаш учун Кузатув кенгashi тасдигига номзодларни киритиш ҳамда уларни лавозимдан озод этиш

тўғрисида таклиф киритиш;

Корхона томонидан қонунчилик хужжатларида назарда тутилган миқдорда амалга оширилган харидларни назорат қилиш;

Комплеанс хизмати ишини, шу жумладан, унинг ҳисоботларини таҳлил қилиш ва самарадорликни баҳолаш орқали назорат қилиш;

Коррупция қарши кураш бўйича аудит ўтказилишини таъминлаш.

26. Этика қўмитанинг аъзолари қўмита мажлисида шахсан қатнашишлари шарт. Агар мажлисда қатнашиш имконияти мавжуд бўлмаса, қўмита аъзоси сабабларини кўрсатган холда Этика қўмитасини бу ҳақда хабардор қилади.

27. Этика қўмитаси, Корхона аудиторлик ташкилотининг сўровига кўра, аудиторлик текшируви жараёнида юзага келган масалалар юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар беришга ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни тақдим этишга мажбур.

28. Этика қўмитаси бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликнинг аникланган бузилишлари тўғрисида ёки коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни аниқ тасдиқловчи фактлар ҳақида Корхона аудиторлик ташкилоти томонидан ёзма шаклда хабардор қилиниши шарт.

6-боб Этика қўмитаси аъзоларининг жавобгарлиги

29. Этика қўмитасининг аъзолари ўз ҳукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Корхонанинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

30. Корхонага зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Этика қўмитасининг аъзолари жавобгар бўлмайди.

7-боб Фаолиятни назорат қилиш

31. Этика қўмитаси ўз фаолиятида Корхона Кузатув кенгаши раисига ҳисобдордир. Этика қўмитаси фаолияти устидан даврий назорат Корхона Кузатув кенгаши раиси томонидан Этика қўмитасининг амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисботлари орқали амалга оширилади.

32. Конун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда Этика қўмитаси фаолияти коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи, шунингдек Корхонанинг ташки аудиторлари томонидан текширилиши мумкин.

8-боб Якунловчи қоидалар

33. Мазкур Низом Корхона Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган санадан эътиборан кучга киради.

34. Ушбу Низом, шунингдек, унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Корхона Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар Корхона Кузатув кенгаши раиси ва Этика қўмитаси аъзолари томонидан киритилиши мумкин.